# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
# ҚАРОРИ

## «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»

*LexUZ шарҳи*

*Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган.*

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ёшлар йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга тушириладиган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-

тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага* мувофиқ таркибда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

* 2-илова берилмайди.

3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда «Ёшлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 29 февраль,
ПҚ-805-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805-сон Қарорига
1-ИЛОВА

## «Ёшлар йили» Давлат дастури

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Ҳужжатни тақдим этиш шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** | | | | | | |
| 1. | Амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш. | 1 майгача | Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | | | Таклифлар пакети. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалдаги ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. |
| 2. | «Таълим тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш | I ярим йиллик | Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Адлия вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш. |
| 3. | «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. | IV чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | | | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Баркамол ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қўшимча ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар ва кафолатлар яратиш. |
| 4. | Қуйидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари тўғрисида; | II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари. Иқтидорли болалар учун ихтисослашган мактаблар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | маркази, «Янги авлод» танлови дирекцияси | | | асосларини белгилаш ҳамда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш. Ота-она қаровисиз қолган ва ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг имкони борича оилага яқинлаштирилган шароитларда яшаши ва тарбияланишини, уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш. |
| | ота-она қаровисиз қолган болалар учун оилавий типдаги болалар марказлари тўғрисида; | III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | | | |
| | янги таҳрирдаги «Меҳрибонлик» уйлари тўғрисида; | III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тест маркази | | | |
| | жисмоний ва ақлий заиф болалар учун ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари тўғрисида. | IV чорак | «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | |
| 5. | «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг турли грантларини оладиган иқтидорли ўқувчилар ва талабаларни янада рағбатлантириш тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. | III чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Янги авлод» танлови дирекцияси | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Таълим жараёнида иқтидорли ўқувчилар ва талабаларни рағбатлантириш тизимини яратиш, шунингдек, уларни таълим муассасаларида ўқитишнинг давом эттирилишини таъминлаш. |
| 6. | «Янги авлод» Республика болалар фестивали тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Янги авлод» танлови дирекцияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» ташкилоти, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. «Келажак овози» танлови мисолида «Янги авлод» фестивалини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва унга миллий мақом бериш, фестивал ғолибларига ихтисослаштирилган мактабларга имтиёзли кириш имкониятини яратиш. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | |
| 7. | Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. | IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тест маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. «Умумий ўрта таълим тўғрисида» ва «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида»ги янгиланган Низомларни тасдиқлаш. |
| 8. | Узлуксиз таълим тизими бўғинларидан бири бўлган мактабдан ташқари таълим тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш, болаларнинг мактабдан ташқари таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш. | III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нoти?орат ташкилоти | | | Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабдан ташқари таълим муассасалари тармоғини ва штатлар сонини мақбуллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси. Узлуксиз таълим тизими бўғинларидан бири бўлган мактабдан ташқари таълим тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш, болаларнинг мактабдан ташқари таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш. |
| **II. Таълим соҳасида илгари қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш** | | | | | | |
| **2.1 Таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги, иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва соҳаларида талаб катта бўлган мутахассислар тайёрлаш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш** | | | | | | |
| 9. | Ўқувчиларнинг мажбурий умумий ўрта таълим олишни тугалламаслиги, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олинмаслиги ҳолларини танқидий ўрганиш асосида болаларнинг умумий ўрта мактаблар, 9-синфлар битирувчиларининг эса академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан 100 фоиз қамраб олинишини таъминловчи | I чорак | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Бажарувчилар томонидан ҳар бир минтақа бўйича болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим тизимида, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тармоғида тўлиқ қамраб олинишини таъминловчи комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. | | | | | |
| 10. | Болаларнинг умумий ўрта таълим, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиниши, шунингдек академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши юзасидан статистика ҳисоботи ва мунтазам мониторинг тизимини жорий этиш. | апрель | Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги | | | Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларнинг умумий ўрта таълим, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олинишини, шунингдек академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишини ва олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришини, олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва статистика ҳисоботи тартиби тўғрисида»ги қарори лойиҳаси. |
| 11. | Болаларнинг умумий ўрта таълим тизими билан, мактаблар 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан 100 фоиз қамраб олиниши учун вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда таълимни бошқариш органларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш. | апрель | Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | 2008 йил I чорак якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ўқувчи ёшларнинг таълим муассасалари тармоғи билан тўлиқ қамраб олиниши учун маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий таълим органларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таклифлар комплексини тасдиқлаш учун киритиш. |
| 12. | Иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт соҳаларида бўш иш ўринлари мавжудлигини, шунингдек, ҳудудлар ва мутахассисликлар бўйича ёшларнинг бандлик даражасини комплекс инвентаризациядан | II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари асосида ҳар бир минтақа бўйича бўш иш ўринлари мавжудлиги ва янги иш ўринлари яратиш, ёш мутахассисларга бўлган талаб даражасини ошириш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаш. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ўтказиш ва танқидий таҳлил қилиш. | | «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | | | |
| 13. | Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда минтақалар бўйича кадрларга бўлган талабни ҳар йили прогноз қилишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, зарурат бўлганда олий ва ўрта махсус таълим тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар классификаторини қайта кўриб чиқиш. | III чорак | Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати,«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Бандликка кўмаклашиш агентлиги | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари билан:<br>— иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда минтақалар бўйича кадрларга бўлган талаб параметрларини прогноз қилиш ва тақдим этиш механизмини жорий қилиш;<br>— олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш йўналишларини қайта кўриб чиқиш тартибини жорий этиш;<br>— иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган мутахассисликлар номенклатурасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисликлар рўйхати билан ўзаро боғланишини таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини тасдиқлаш. |
| 14. | Узлуксиз таълим тизимида ёшларни касбга йўналтириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан:<br>ўқувчи ёшларнинг, айниқса мактаб ёшидаги болаларнинг қизиқишлари, қобилиятлари ва интилишлари тўғрисида маълумотлар базасини яратиш;<br>9-синф ўқувчилари учун уларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда касб-ҳунар | IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар | 40,0 | Бажарувчилар маблағи ҳисобидан | Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари. Қабул қилинган чора-тадбирлар:<br>ўқувчиларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини танлашида касб диагностикасини асосли равишда ўтказиш;<br>болаларнинг қобилиятини ва интилишларини мақсадли ривожлантириш, шунингдек уларда тегишли билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш;<br>узлуксиз таълим |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | коллежларида ва академик лицейларда амалий машғулотлар ташкил этиш. | | | | | тизимида касбга йўналтириш ишларини олиб боришда узлуксизликни ва изчилликни таъминлаш имконини беради. |
| 15. | Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни минтақалар, ижтимоий соҳада ва иқтисодиётнинг реал сектори кесимида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича танқидий таҳлил қилиш ва инвентаризациядан ўтказиш. | III чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар | | | Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишини таъминлаш имконини берадиган олий таълим муассасаларига қабул квоталарини оқилона шакллантириш. |
| 16. | 1998—2007 йилларда фойдаланишга топширилган коллежлар ва лицейларнинг ҳудудий жойлашишини ва касб йўналишларини комплекс инвентаризациядан ўтказиш ҳамда шу асосда мактабларнинг 9-синф битирувчиларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, уларнинг қулай жойлашишини, ўқувчи ўринлари мақбуллигини ва кадрлар тайёрлаш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир туман (шаҳар)да лицей ва коллеж қурилиши тўғрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш. | апрель | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Вазирлар Маҳкамасига қарор қабул қилиш учун 2009 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишининг аниқ манзилли рўйхатини шакллантириш бўйича келишилган таклифларни киритиш. |
| 17. | Аҳоли яшаш пунктларидан узоқда ва номақбул жойлаштирилганлиги туфайли ўқувчи ўринлари тўлмаган касб-ҳунар коллежларини атрофлича | 1 июлгача | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори.<br>Касб-ҳунар коллежларининг ҳудудий жойлашишини мақбуллаштириш ва фаолияти |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | инвентаризациядан ўтказиш ва улар бўйича алоҳида қарор қабул қилиш. | | Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | | | самарадорлигини ошириш. |
| **2.2 Таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва зарур коммуникация тизимлари билан жиҳозлаш** | | | | | | |
| 18. | 216578 ўринга эга бўлган 656 та умумтаълим мактаби ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш, шу жумладан: | III чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси | Жами: 551915,9<br><br>44988,0 | Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси | Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарорини бажариш. Умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва таълим жараёнининг сифатини ошириш. |
| | 23655 ўқувчи ўрнига эга бўлган 70 та янги мактаб қуриш; | | | 6,6 млн. долл. | Ислом тараққиёт банки кредити | |
| | 192923 ўқувчи ўрнига эга бўлган 586 та мактабни капитал реконструкция қилиш. | | | 189981,0 | Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси | |
| | Бундан ташқари: 420624 ўқувчи ўрнига эга бўлган 790 та мактабни мукаммал таъмирлаш; | | | 98617,0 | Осиё тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш уюшмаси, Эксимбанк (Корея) кредитлари | |
| | 215662 ўқувчи ўрнига эга бўлган 430 та мактабни жорий таъмирлаш; | | | 17448,0 | | |
| | 1877 та мактабни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш. | | | 142022,0<br><br>38,2 млн. долл. | | |
| 19. | 2008 йилги қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхатига киритилган, 119720 ўқувчи ўрнига эга бўлган 20 та академик лицей ва 170 та касб-ҳунар коллежининг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш. | III чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Даврахитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази | Жами: 394362,0<br><br>377942,0<br>16420,0*<br>шу жумладан: | Бюджет маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарорини бажариш. 9-синфлар битирувчиларини ўрта махсус таълимга тўлиқ жалб этиш, таълим билан ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш учун шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий шериклик тамойилларини амалга ошириш, касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник |
| | Ўқув устахоналарига, ўқув-лаборатория ва техник асбоб-ускуналарга эга бўлган 8 та касб-ҳунар коллежини | III чорак | «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзавтойўл» ДАК, | 2286,0<br>4572,0<br><br>4268,0<br>2128,0 | Корхона ва ташкилотлар маблағлари | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | корхоналар маблағи ҳисобига қуриш ва жиҳозлаш. | | «Ўзавтосаноат» АК , «Ўзмиллийбанк» | 1640,0<br>1526,0 | | базасини мустаҳкамлашда васийлик кенгашларининг ролини ошириш. |
| 20. | Буюртмачилар, пудратчилар, шунингдек қурилиш-назорат органлари ва давлат қабул комиссияларининг таълим ва болалар спорти объектларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш сифатининг оширилиши, уларнинг айниқса, қишлоқ жойларда ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, парталар ва мебель, компьютерлар, лингофон кабинетлари, ихтисослаштирилган физика, кимё, биология синфлари билан жиҳозланиши ҳамда муҳандислик-коммуникация тизимига уланиши учун маъмурий ва молиявий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | III чорак | «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Бажарувчиларнинг таълим ва болалар спорт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш юзасидан маъмурий ва молиявий жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш. |
| 21. | Электр таъминоти ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг таълим муассасаларининг электр энергияси, иссиқлик ва тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминланиши учун жавобгарлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар жорий этиш. | йил давомида | «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари. Ўқув жараёнини тўлақонли ташкил этиш учун зарур ва барқарор шарт-шароитлар яратиш. |
| 22. | Ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида ўқиш ва яшаш | 2008-2009 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар | 5717,1 улардан 2008 йилда | Бюджет маблағлари | Ногирон болаларга тўлақонли касб-ҳунар таълими бериш учун шарт-шароитларни |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | шароитларини яхшилаш: | | таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти ҳокимликлари | | | яхшилаш, уларнинг иш билан тўлиқ банд бўлиши ва жамиятга мослашуви учун шароитларни яратиш. |
| | имконияти чекланган шахслар учун Тошкент ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежига янги бинолар комплекси қуриш; | | | 640,7 | | |
| | имконияти чекланган шахслар учун Фарғона ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи биноларини мукаммал реконструкция қилиш. | | | 1635,0 | | |
| 23. | Таълим муассасаларини кўзи ожиз ўқувчилар ва талабаларни ўқитиш учун махсус ўқув-методик адабиётлар, компьютер техникаси, техник воситалар билан таъминлаш. | йил давомида | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Меҳр нури» жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти | 50,0 | Бюджет маблағлари доирасида | Имконияти чекланган талабаларни ўқитиш шарт-шароитларини такомиллаштириш. |
| 24. | 2008—2010 йилларда «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Харажатлар дастурни тузиш якунларига кўра аниқланади | Мактаб таълими жамғармаси | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. |
| 25. | 2009—2012 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | IV чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | Харажатлар дастурни тузиш якунларига кўра аниқланади | Бюджет, ҳомийлар маблағлари, муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Олий таълим муассасаларини жиҳозлаш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Олий таълим муассасаларида замонавий технологияларни жорий этиш, юқори |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш асосида ўқитиш сифатини ошириш. |
| 26. | Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини электр энергиясига улашнинг 3-тоифасидан 2-тоифасига босқичма-босқич ўтказиш. | 2008—2012 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 147000,0 улардан 2008 йилда 5000,0 | Бюджет маблағлари, «Ўзбекэнерго» ДАК маблағи | Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш. |
| **III. Таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш** | | | | | | |
| **3.1 . Таълим даражаси ва сифатини тубдан ошириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш** | | | | | | |
| 27. | Мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини фанлар бўйича олий маълумотли малакали ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар билан таъминланишини ҳар йили танқидий таҳлил қилиш механизмини яратиш, уларни малакали педагоглар билан тўлдириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | май, август | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Молия вазирлиги | | | Яратилган механизм асосида фанлар бўйича олий маълумотли малакали педагог кадрлар тақчиллигини бартараф этиш ва уларнинг таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш. |
| 28. | Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари фаолиятини чуқур ўрганиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, зарурат бўлганда, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари тузилмасини ва мутахассислар тайёрлаш | II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | | | Бажарувчиларнинг вазирлик ва идоралар раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат таркибда ишчи гуруҳ ташкил этиш юзасидан қўшма қарори. Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш жадвалини тасдиқлаш, ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | йўналишларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | | | | | таълими тизими учун педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, мактаблар, коллежлар ва лицейларни малакали педагоглар билан таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш. |
| 29. | Иқтисодиётнинг реал тармоқларида ва соҳаларида талаб юқори бўлган кадрларни сифатли тайёрлаш мақсадида таълим стандартларини чуқур таҳлил қилиш асосида мактаблар, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш. | II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат тест маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Истеъдод» жамғармаси | | | Бажарувчилар томонидан таълим стандартларини чуқур таҳлил этиш, тажрибали ўқитувчилар, методистлар, олимлар, шунингдек, буюртмачилар фикрини ҳисобга олган ҳолда, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим ўқув дастурларини модернизация қилиш, амалдаги ўқув дастурларига ва режаларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритишни ўз ичига оладиган чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш. |
| 30. | Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим ўқув дастурларини практика ва амалий машғулотлар соатлари ҳажмини кўпайтириш юзасидан модернизация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш. | III чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | | | Ишчи гуруҳларнинг тажрибали ўқитувчилар, методистлар, олимлар, шунингдек буюртмачилар фикрини ҳисобга олган ҳолда, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим ўқув дастурларини таҳлил ва модернизация қилиш юзасидан таклифларини тайёрлаш. Амалдаги ўқув дастурларига ва режаларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш. |
| 31. | Умумтаълим муассасалари, | III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Республика | Жами: 19474,0 | | Ўқув юртларини зарур дарсликлар ва |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларини, шунингдек Болалар ижодиёти марказлари ва минтақавий ёшлар марказларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни яхшилаш, бунда электрон дарсликлар ва ўқув фильмлари яратиш ҳамда улар билан ўқув юртларини таъминлашни назарда тутиш. | | мақсадли китоб жамғармаси (РМКЖ), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Эркин фикр» студияси | шу жумладан:<br><br>12894,0<br><br>6580,0 | Бюджет маблағлари<br><br>РМКЖ маблағлари | ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш. |
| 32. | Узлуксиз таълим тизимининг педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари, марказлари, факультетлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш. | IV чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Молия вазирлиги | | | Бажарувчилар қарорлари. Ишчи гуруҳ тузиш, педагог кадрлар малакасини ошириш тузилмалари фаолиятини ва уларнинг моддий-техник базасининг аҳволини, замонавий анжомлар билан таъминланганлигини, етакчи корхоналар ва илмий марказлар билан мустаҳкам алоқаларининг мавжудлигини, штатларнинг юқори малакали педагоглар билан тўлдирилганлигини танқидий ўрганиш жадвалини тузиш ва тадбирларни амалга ошириш. Таҳлил ва инвентаризация натижаларига кўра узлуксиз таълимнинг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш. |
| | Малака ошириш ўқув дастурларига, ихтисослигидан қатъи назар, барча ўқитувчилар учун ахборот технологиялари ва замонавий педагогик технологиялар курсларини жорий этиш. | II чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги | | | |
| | Қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган педагог кадрларнинг, талаб катта бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш натижаларига қараб улар фаолиятининг мониторингини олиб бориш тизимини яратиш. | II чорак | «Истеъдод» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | | | |
| | Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва марказларининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш. | II чорак | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 33. | Педагоглар малакасини ошириш жараёнига мамлакатимиз ва хориждаги замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, шунингдек хорижий ўқув марказларида ва корхоналарида малака ошириш курсларида ўқиган ва стажировкадан ўтган муҳандис-педагог кадрларни жалб этган ҳолда «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш. | II чорак | «Истеъдод» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат тест маркази | 100,0 | Бажарувчилар маблағи | Бажарувчиларнинг қўшма қарори билан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. |
| 77. | Электрон таълим ресурсларидан ва ZiyoNET тармоғидан фойдаланишнинг жамоавий узелларини яратиш, шу жумладан Ёшлар марказлари ўртасида электрон тармоқ ташкил этиш, қобилиятли ёшлар орасида on-line режимида турли интеллектуал Интернет-танловлар (олимпиадалар), форумлар ўтказиш. | йил давомида | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси — таълим грантлари дастури, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси | 780,0 | Ахборот-коммуникация технологиялари учун назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида | Олий ўқув юртлари ва ёшлар марказларида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг жамоавий узелларини яратиш дастури. Ёшларнинг интеллектуал савиясини ошириш. |
| 78. | В. Успенский номидаги ихтисослаштирилган академик лицей ҳузурида болалар ва ўсмирлар симфоник оркестри фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш. | йил давомида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 15,0 | Бажарувчилар маблағлари | Комплекс чора-тадбирлар. Иқтидорли болаларнинг қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш. |
| 79. | Тасвирий санъат ҳафталиги доирасида «Мафтункор ранглар жилоси» республика танлови ва болалар расмлари кўргазма-савдосини ўтказиш. | август | Бадиий академия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» | 70,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Ногирон болаларнинг жамият ҳаётига интеграциялашувини таъминлаш, уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | жамғармалари, Ногиронлар жамияти | | | |
| 80. | Инновация грантлари ва хўжалик шартномалари асосида иқтидорли ёшларнинг илмий салоҳиятини иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари техник ва технологик муаммоларини ҳал қилиш жараёнларига жалб этиш. | йил давомида | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар | 500,0 | Тегишли иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ва ташкилотлари маблағлари | Комплекс чора-тадбирлар. Ёшларнинг илмий фаолият билан шуғулланишга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг қобилиятларини аниқлаш. |
| 81. | «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг илмий инновациялар ва ишланмалар бўйича учта тоифани аниқлаш тажрибаси асосида грантлар ажратиш ва турли танловлар ташкил этиш йўли билан ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ишлари савиясини ошириш. | йил давомида | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси — педагогик грантлар дастури | 30,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ишлари савиясини оширишга кўмаклашиш. |
| 82. | Ёшлар орасида қуйидаги мавзуларда танловлар ўтказиш: «Энг яхши услубий қўлланма»; «Ёш ихтирочилар». | йил давомида | «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 30,0 | Бажарувчилар маблағлари | Иқтидорли ёш олимларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш. |
| 83. | Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган телерадиодастурлар, матбуотда ва Интернетда эълон қилинадиган мақолалар яратиш бўйича нодавлат оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш. | йил давомида | Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси | 400,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Истеъдодли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлар ишини ёритиш бўйича нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш. |
| **VII. Ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш чора-тадбирлари** | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 84. | Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича қуйидаги мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш:<br>фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари қошида соғлом турмуш тарзига амал қилиш бўйича профессионал маслаҳатлар берувчи саломатлик маслаҳат марказларини ташкил этиш;<br>соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича буклет, плакат, кўргазмали қўлланмалар чоп этиш ва уларни ёшлар ўртасида тарқатиш;<br>ОАВда кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларнинг зарари ва профилактикасига оид масалаларни ёритувчи телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли ҳамда телевизион фильмлар тайёрлаш, махсус рукнлар ташкил этиш;<br>«Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» шиори остида шоу-концертлар ташкил этиш;<br>никоҳдан ўтувчи ёшларнинг тиббий кўрик билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш. | йил давомида | Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Ойдин ҳаёт» маркази, ЮНИСЕФ, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий | 800,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ёшларнинг тиббий маданият даражасини ошириш, соғлом турмуш тарзига, соғлом оила қуришга интилишини шакллантириш. |
| 85. | Республиканинг ҳар бир туман | йил давомида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма тадбирлари |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | (шаҳар)ларидаги таълим муассасаларида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланган ойликка, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, тайёргарлик кўришни ташкил этиш ва ўтказиш: «Гиёҳвандликка — қаршимиз, соғлом турмуш тарзи — тарафдоримиз!» мавзусида ёшлар фестивалларини ташкил этиш; Интернетда соғлом турмуш тарзи, гигиена, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш соғлом болалар туғилишига салбий таъсир этиши тўғрисидаги ва бошқа тезкор ахборот бериб бориладиган махсус сайт ташкил этиш. | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзбеккино» агентлиги, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Болалар жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | комплекси. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи талабларидан хабардорлигини ошириш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш оқибатида юзага келадиган ирсий касалликлар профилактикаси. |
| 86. | ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш бўйича ёшлар орасида қуйидаги дастурларни амалга ошириш: | йил давомида | | | | ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик профилактикаси масалалари бўйича ёшларнинг билим даражасини ошириш. |
| | «Катта ёшдаги аҳоли ва болаларнинг тенг-тенги билан принципи бўйича касаллик тўғрисида хабардорлигини ошириш»; | | Болалар жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | 160,0 минг АҚШ доллари | ОИВ/ ОИТСга қарши кураш Глобал жамғармаси маблағи | |
| | «Республика минтақаларида касаллик профилактикаси бўйича ёшлар учун соғлиқни сақлаш хизматларини жорий этиш». | | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, ОИТС республика маркази, ЮНИСЕФ | 200 минг АҚШ доллари | ЮНИСЕФ ва бажарувчилар маблағлари | |
| 87. | Болалар спорти объектлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастурини амалга ошириш доирасида умумтаълим мактабларида спорт иншоотлари ва спорт | 2008 йил | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси — | 28342,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Болалар оммавий спортини янада кенгайтириш ва ривожлантириш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни шакллантириш. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | заллари қуриш ҳамда реконструкция қилиш. | | «Чемпионлар форуми», Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | | | |
| 88. | Тошкент вилоятининг Зангиота туманида замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси қуриш. | III чорак | «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси,Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси — «Чемпионлар форуми» | 1200,0 | «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси маблағлари | Ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар. |
| 89. | Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ёшларнинг «Қуёшли» соғломлаштириш комплексини қуриш. | IV чорак | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | 500,0 | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари | Ёшлар соғлиғини мустаҳкамлаш. |
| 90. | Қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш: | йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти | | | Туғруққа ёрдам муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Ёш оилаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ва маслаҳат бериш сифатини яхшилаш. |
| | «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш»; | | | 5500,0 минг АҚШ доллари | Осиё тараққиёт банки ва Халқаро ривожланиш уюшмаси маблағлари | |
| | Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтини замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозлаш. | | | 3500,0 минг АҚШ доллари | Япония ҳукумати гранти | |
| 91. | Перинатал ва неонатал текширувдан ўтказишни кенгайтириш йўли билан ёш аёллар ҳамда болалар (чақалоқларни) текширувдан ўтказиш. | йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Аёллар кенгаши», «Ҳаёт», «Саломатлик+экология» нодавлат нотижорат ташкилотлари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази | 530,0 | Бюджет маблағлари | Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш. |
| 92. | Қуйидагиларни ташкил этиш: | йил давомида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси, «Аёллар кенгаши» | 999,0 шу жумладан: | | Ёшлар, шу жумладан, болалар соғлиғини мустаҳкамлаш. |
| | 8000 талаба ва ишлайдиган ёшларни корхоналар, ташкилотлар ҳамда ўқув муассасалари санаторийларида; | | | 459,0 | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва бажарувчилар маблағлари | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | меҳнат қилаётган 3000 нафар ёшларни Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши санаторийлари ва оромгоҳларида; | | нодавлат нотижорат ташкилоти, «Маҳалла», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари. | 540,0 | | |
| | 250 минг нафар болани ёз фаслида, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйларидан 2600 нафар болани соғломлаштириш. | июнь—август | | 12700,0 шу жумладан: 6896,0 | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари | |
| 93. | «Ёшларнинг тўғри овқатланишини ташкил этиш стратегияси» дастурини ишлаб чиқиш. | йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, ЮНИСЕФ, «Ўздонмаҳсулот» ДАК, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Жаҳон банки, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий | 200 минг АҚШ доллари | Овқатланишни яхшилаш Глобал жамғармаси маблағлари, бюджет маблағлари | Ёшларда тўғри овқатланиш кўникмасини шакллантириш, микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш. |
| | «Унни бойитиш миллий дастури»ни амалга оширишни давом эттириш. | | | 450 минг АҚШ доллари | | |
| 94. | Қуйидагиларни назарда тутадиган халқаро ёшлар туризмини ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: | | «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | Бюджет, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси Комплексининг мажлиси қарори. Ёшлар туризмини ривожлантириш, ёш авлоднинг фойдали дам олишини таъминлаш, халқаро туристик ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва алоқаларни ривожлантириш. Халқаро сайёҳлар алмашиш йўли билан республиканинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш. |
| | фаолият кўрсатиши учун зарур моддий-техник базани яратган ҳолда, «Келажак-тур» халқаро ёшлар туризми бюросини (ХЁТБ) ташкил этиш; | I чорак | | 200,0 | | |
| | республика ҳудудида ёшлар сайёҳлик базаларини ташкил қилиш; | йил давомида | | 850,0 | | |
| | мамлакатимиз вакилларининг ёшлар туризми масалалари бўйича республика ва халқаро форумларда, конференциялар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши. | йил давомида | | | | |
| 95. | Ёш спортчиларнинг XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида, ўсмирлар ва ёшлар | йил давомида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича | 1326,4 | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маблағлари | Ёшлар орасида спорт билан шуғулланишга қизиқишни ошириш, жаҳон майдонларида |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ўртасидаги халқаро мусобақалар (Жаҳон, Осиё чемпионатлари, Жаҳон Кубоги)да иштирок этиши, шунингдек «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг мавжуд дастурларига — «Чемпионлар форуми» спорт грантларини ажратиш бўйича кўмаклашиш. | | федерациялар, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси — «Чемпионлар форуми» | | | мамлакатимизнинг обрўсини кўтариш. |
| 96. | Республика миқёсидаги спорт ва махсус мусобақаларни ташкил этиш, айниқса, қишлоқ жойларда болалар ва ёш оилалар ўртасида турли спорт тадбирлари ўтказиш: | йил давомида | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси — «Чемпионлар форуми», «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси — «Чемпионлар форуми», Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла» жамғармалари, Ногиронлар жамияти, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Келажак-Тур» ХЁТБ, Ўзбекистон миллий | 1868,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш. Ёш ва истеъдодли спортчиларнинг қобилиятларини янада ривожлантириш учун уларни аниқлаш. Имконияти чекланган ёшларнинг спорт тадбирлари орқали ҳаётда фаол бўлишини таъминлаш. Фуқаролик жамияти эътиборини имконияти чекланган ёшларнинг эҳтиёжларига қаратиш. Жисмоний тарбия билан оммавий шуғулланишни ривожлантириш. Ёш оилаларни фаол турмуш тарзига жалб этиш, оилаларнинг соғлом дам олишини таъминлаш. Спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларга захирадаги энг муносиб номзодларни саралаш. Болаларни, айниқса қизларни спортнинг оммавий турлари билан шуғулланишга |
| | академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод — 2008»; | | | 1030,0 | | |
| | IV Параолимпиада ўйинлари ва III Халқаро махсус ўйинлар («Мурувват» болалар уйларида яшайдиган ногирон болалар учун); | | | 45,0 | | |
| | Оилавий жамоалар ўртасида «Соғлом оила»; | | | 17,0 | | |
| | Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида; | | | 766,0 | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | | | кенг жалб этиш имкониятларини яратиш. |
| | Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган мамлакатимиз тарихий шаҳарлари бўйлаб 1-Миллий ёшлар велотурнири. | III чорак | 10,0 | 10,0 | | |
| | Ўқувчи-ёшларни, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг қизларини спорт формаси ва инвентарь билан бепул таъминлаш. | йил давомида | | 2040,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | |
| **VIII. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаши учун муносиб уй-жой ва маиший турмуш шароитларини яратиш** | | | | | | |
| 97. | Ёш оилаларни уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш. | йил давомида | Марказий банк, Молия вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги | 27000,0 | Тижорат банклари ва Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Махсус дастур. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш. |
| 98. | Қишлоқ жойларда якка тартибда уй қуриш учун ёш ўқитувчилар оилаларига ер участкалари ажратиш. | йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | | | Маҳаллий ҳокимликлар қарори. Қишлоқ жойлардаги ёш ўқитувчиларни рағбатлантириш. Қишлоқ мактабларини педагог кадрлар билан таъминлаш. |
| 99. | Ёш оилаларга рўзғор буюмлари сотиб олиш учун имтиёзли истеъмол кредитлари ажратиш. | йил давомида | Марказий банк, тижорат банклари, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта | 30000,0 | Тижорат банклари маблағлари | Ёш оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой қуриш имкониятлари билан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | таъминлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш. |
| | Маиший техника, мебель бериш йўли билан кам таъминланган ёш оилаларнинг (ҳар бир туманда, шаҳарда 10 оиладан кам бўлмаган) маиший-турмуш шароитларини яхшилаш. | | Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Микрокредитбанк, Ипотекабанк | 1000,0 | Бажарувчилар маблағлари | |
| 100. | Қуйидаги объектларни қуриш: республика минтақаларида ёш оилалар учун тўрт қаватли, ҳар бири 32 хонадонли бўлган 67 та уй; | йил давомида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 93000,0 шу жумладан: | Тижорат банклари ва Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг моддий ва ижтимоий фаровонлиги даражасини ошириш. Вилоятда ёш оилаларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш. |
| | Андижон шаҳрида замонавий «Бахт уйи». | | Адлия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти | 1000,0 | Бажарувчилар маблағлари | |
| 101. | Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларини оилавий тураржой билан таъминлаш. | йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти | 1500,0 | Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Маҳаллий ҳокимликлар қарорлари. «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш. |
| 102. | Ҳар бир вилоят марказида: «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази таклифи билан «Ёшлар боғи»; «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Ёш оила» марказларини ташкил этиш. | йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» | 200,0 | Маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, бажарувчилар ва ҳомийлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Ёшларнинг дам олишини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш. Ёш оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ҳал этишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш, оилаларга, шунингдек оғир вазиятга тушиб қолган оилаларга |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | нодавлат нотижорат ташкилоти, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Оила» илмий-амалий маркази | | | психологик, ҳуқуқий ва тиббий маслаҳатлар бериш. |
| 103. | Қуйидагиларни таъминлаш: | йил давомида | | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Ёш оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш. Кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилаларнинг даромад олиш имкониятларини ошириш ва моддий аҳволини яхшилаш. |
| | республиканинг ҳар бир туманида камида 100 та кам таъминланган оилага, шу жумладан ёш оилаларга биттадан қорамол бериш (бепул); | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 12000,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | |
| | камида 4 минг ёш оилага қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш. | | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банклари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 6000,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг имтиёзли кредитлари | |
| 104. | Республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) камида 20 та кам таъминланган оиланинг тўйлари ва оилавий тантаналарини ўтказишга кўмаклашиш. | йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Адлия вазирлиги, «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 2000,0 | Ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма чора-тадбирлар режаси, кам таъминланган оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш. |
| 105. | Ёш оилалар учун кичик ёшдаги болаларни парвариш қилиш ва тарбиялаш, шунингдек хавф остидаги ёшлар гуруҳлари билан ишлаш бўйича қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш. | йил давомида | Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ | 2,0 | Бажарувчилар маблағлари | Болаларни тўғри парвариш қилиш ва тарбиялаш масалалари бўйича ёш ота-оналарнинг билимларини ошириш, соғлом авлодни камол топтириш. |
| 106. | Қуйидаги республика танловларини ташкил этиш ва ўтказиш: | III чорак | «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат | 20,0 шу жумладан: | Ҳомийлар маблағлари | Намунали ёш оилаларни, жумладан, оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш. |
| | «Энг намунали ёш оила»; | | | 10,0 | | |
| | «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла». | | | 10,0 | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ташкилоти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | |
| 107. | Кам таъминланган оилалар болаларининг, шунингдек ишлаётган ёшлар орасидан 21 500 нафар фаол йигит-қизнинг республиканинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари бўйлаб бепул саёҳатини ташкил этиш. | йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Болалар жамғармаси | 364,0 шу жумладан: | | Ёшларда ўз Ватани билан ғурурланиш, тарихий ёдгорликларни ҳурмат қилиш туйғуларини тарбиялаш. |
| | | | | 264,0 | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари | |
| | | | | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | |
| **IX. «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш»** | | | | | | |
| 108. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Асосий мақсадимиз — эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» мавзуидаги маърузаси қоидаларининг аҳоли ўртасида кенг муҳокамасини ташкил этиш. | йил давомида | Миллий ғоя ва мафкура маркази, Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Нуроний» жамғармаси | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Маъруза қоидаларини оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек бажарувчилар ташкил қиладиган семинарлар, конференциялар ва фуқаролар йиғинларида тушунтириш. |
| 109. | «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсадлари, вазифалари ва йўналишларини, унинг амалга оширилишини қуйидаги тадбирлар орқали кенг тарғиб этиш ва ёритиш: | йил давомида | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази, Олий ва ўрта махсус | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда бажарувчилар ташкил қиладиган семинарлар, конференциялар ва фуқаролар йиғинларида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | таълим вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси | | | амалга ошириладиган тадбирларнинг аҳамияти ва мазмунини тушунтириш. Оммавий ахборот воситаларида ёшлар ҳаётини ёритиш, мақолалар эълон қилишда уларга кўмаклашиш. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш. |
| | шаҳарлар, туманлар, корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, яшаш жойлари ва маҳаллаларда тушунтириш ишларини ўтказиш; | | | | | |
| | мамлакатимиз ёшлари ҳаётини ёритишга бағишланган махсус телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ташкил қилиш, босма оммавий ахборот воситаларида мавзуга оид туркум мақолалар чоп этиш. | | | | | |
| | Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини нашр этиш. | | | 5,0 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | |
| 110. | Ёшларда Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга, оммавий ахборот воситалари орқали иқтидорли ва фаол ёшларни тарғиб қилишга йўналтирилган концепцияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича миллий медиа-кенгаш ташкил этиш, шунингдек, ёш журналистларнинг ижодий ва профессионал | I чорак | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, | | | Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси. Ёшлар ижтимоий онгининг юксалишига, шу жумладан, ёш авлодда мамлакат келажаги учун масъуллик туйғусини тарбиялашга самарали таъсир кўрсатадиган ягона механизмни яратиш. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ўсишига кўмаклашиш, жумладан, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш. | | «Бунёдкор» ёшлар телеклуби | | | |
| 111. | Замонавий ахборот технологияларидан, шу жумладан, спутник алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг роли ва аҳамияти тўғрисида чет элларда тизимли ахборот-тарғибот ишларини амалга ошириш. | йил давомида | Ташқи ишлар вазирлиги, «Uzbekistan today» ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди | 500,0 | Ҳомийлар маблағлари | Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли болаларга, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга зарур шароитлар яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида мақолалар чоп этиш, семинарлар, брифинглар ўтказиш орқали хорижий мамлакатлар жамоатчилигини юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлардан хабардор этиб бориш. |
| 112. | Ёшлар йилига бағишланган телемарафонлар ўтказиш, шунингдек, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилотининг махсус «Ёш авлод саломатлиги — мамлакатни ривожлантириш гарови» мавзусидаги Республика хайрия телемарафонини ташкил этиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаш. | йил давомида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | Кенг жамоатчиликнинг «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга оширишдаги қизиқишини ошириш ва бевосита иштирокини кучайтириш. «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини рўёбга чиқаришга йўналтирилган хайрия тадбирларини амалга ошириш. |
| 113. | «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг республика ва вилоятлар вакилликлари негизида минтақавий электрон оммавий | йил давомида | Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди, Журналистлар | 250,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ёш журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижодкор ёшлар томонидан ёшлар тадбирларини ёритиш, ёшларнинг ижтимоий онгига таъсир кўрсатадиган |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ахборот воситалари иштирокида ёшлар телерадиостудиялари, матбуот марказларини, шунингдек, ёшларнинг оммабоп ҳафтаномасини ташкил этиш. | | ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Бунёдкор» телеклуби | | | самарали механизмни яратиш. |

**Жами харажатлар:** **— 1 502 290,2 млн. сўм**

шу жумладан:

миллий валютада — 1 430 267,1 млн. сўм

хорижий валютада — 54 770,4 минг АҚШ доллари

* Лимитлар лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилгандан ва танлов савдолари ўтказилгандан кейин аниқлаштирилади

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 10-11-сон, 56-модда)*